



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**

**ANDIJON DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI REKTORINING
BUYRUG'I**

20/19 yil "28" 09

№ 296-10

Andijon shahri

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27-сентябрдаги 865-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонининг 8-банди ижроси юзасидан олий таълим тизимида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 27 сентябрдаги 865-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонининг 8-банди ижроси юзасидан ишлаб чиқилган ва Бош прокуратура томонидан тасдиқланган олий таълим тизимида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 27 сентябрдаги 865-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор П.Х. Асханов, ўқув ишлари бўйича проректор А.Ш. Арзикулов, илмий ишлар бўйича проректор Ғ.М. Ходжиматов, ишлар бошқармаси бошлиғи З.А. Мамажонов, ички назорат ва мониторинг бошлиғи К.К. Мирзаев ва қабул комиссияси масъул котиби З.С. Салоҳиддиновларга:

Мазкур буйруқ билан тасдиқланган "Йўл харитаси" нинг тегишли бандлардаги вазифалар ижросини белгиланган муддатларда, тўлиқ ва сифатли бажариш вазифаси топширилсин.

3. Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи К.К.Мирзаевга:

Хар ойнинг 5 санасига қадар белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумотни (асослантирувчи ҳужжат билан) Назорат ва таҳлил бошқармасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.А.Абдухалимовга:

Хар ойнинг 5 санасига қадар белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумотни (асослантирувчи ҳужжат билан) вазирлик ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказига (s.axmedov@edu.uz) тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати ёшлар билан ишлаш бўйича проректор П.Х. Асханов зиммасига юклатилсин.

Ректор



М.Мадазимов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**

**ANDIJON DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI REKTORINING
BUYRUG'I**

2019 yil "12" 12

№ 921-IV

Andijon shahri

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 1109 сонли буйруғининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги "Қиска муддатли тренерлар тайёрлаш курсини ташкил этиш тўғрисида" ги 1109 сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Й У Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги "Қиска муддатли тренерлар тайёрлаш курсини ташкил этиш тўғрисида" ги 1109 сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишлари бўйича малакасини ошириш чора-тадбирлар режаси асосида институт чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор А.Х.Асханов, ва ўқув бўлими бошлиғи К.Юсуповларга:

Мазкур буйруқнинг 3 иловаси билан тасдиқланган режа-графикда белгиланган сондан кам бўлмаган ҳолда институт ижтимоий гуманитар кафедраси ўқитувчиларидан бир нафарини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура академияси (100047 Тошкент ш, Миробод т, Шахрисабз кўчаси, 42-уй) га боришларини таъминлаш;

Тавсия этилган номзодларни тренерлар тайёрлаш курсидаги иштирокини ўз вақтида таъминлаш ҳамда ўқув курси учун шартномалари ва хизмат сафари

билан боғлиқ сарф-харажатларини асосий иш жойидан қоплаш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Ўқув ишлари бўйича проректор А.Ш.Арзикулов ва ўқув бўлими бошлиғи К.Ю.Осуповларга:

Тайёрланган тренерлар орқали институтнинг бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилари учун касбий одоб-ахлоқ қондаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли 18 соатлик ўқув курсларини (8 соат маъруза, 4 соат амалий машғулёт, 6 соат мустақил таълим) ташкил этиш;

Институт профессор-ўқитувчилар таркибидан 5 та миллий ва 1 та рус потоклари ва гуруҳлар шакллантириш ҳамда дарс жадвали ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасида тренерлар тайёрлаш курсида ўқиб келган ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. П.Х.Асханов томонидан ўқув машғулотларини ташкиллаштириш;

Шунингдек янги ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходимни мазкур ўқув курсларида ўқитилишини таъминлаш ва доимий назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Бош ҳисобчи Б.Нурдинов ҳамда режа-молия бўлими бошлиғи А.Х.Ахмедоваларга:

Қисқа муддатли ўқув курсида ўқув машғулотлари олиб борган ўқитувчига соатбай асосида ҳақ тўлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

5. Ўқув бўлими бошлиғи Қ.Ю.Осупов ва ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.Абдухалимовларга:

Амалга оширилган ишлар бўйича жорий йилнинг 26 декабрига қадар вазирликка (malaka@edu.uz) маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назорати институтнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори П.Х.Асханов зиммасига юклатилсин.

Ректор



М.М.Мадазимов